

**МУҚАДДАС МАНБАЛАРДА ТАНЪНА ВА МАЪРАКАЛАР ТАСНИФИ**

**Назаров Расулбек**

“ ADVOCATE TEAME “ адвокатлик Фирмаси Адвокат ёрдамчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада халқимизнинг меҳмондўслик анъаналари меҳмон кутиш кузатиш ундаги қонун-қоидаларга риоя этиш масалалари диний ва тарихий манбалар ёрдамида ёритилган.

Тарихий манбаларда, ҳаттоки, Қурони Каримда “ Енглари ичинлар, лекин исроф қилманлар, зеро, Оллоҳ исроф қилганларни севмагай” деб буюрилган ушбу муқаддас китобда ҳашаматчилик ва исрофгачилик барча умматни ҳалокатга олиб келади, дейди. Шунинг учун ҳашаматчилар ва уларнинг фасодларига қарши уруш очиш зарур. Чунки фақат ҳашаматчининг ўзигина эмас, балки унга йўл очиб берган жамият аъзолари барчалари биргаликда ҳалокатга учрайдилар. ( Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Имон.- Т.:” Камалак”, 1991. Б. 82).

Муқаддас ҳадисларда ҳам халқимиз анъана ва урф-одатлари тўғрисида теран фикрлар келтирилган: “Тўйда зиёфат бермоқлик- тўғри ишдир”, “Бир қўй сўйиб бўлса ҳам тўй (зиёфат) қилмоқ керак”, “Хотинларнинг баракатлироғи уйланиш харажатлари енгилидир”.

Буюк аллома Абу Исо ат- Термизийнинг (824-892) “ Саҳиҳи Термизий” асарининг “Жаноза китоби”, “ Никоҳ китоби”, “Қурбонлик қилиш”, “ Ақиқа ҳақида” каби фаслларида турли маросимларни ўтказиш тўғрисида теран фикрлар келтирган: “ Ёқасини йиртиб йиғлаганлар ва юзларини тирнаганлар ва жоҳият феълани қилганлар бизлардан эмасдир” [Б. 20], “ Оллоҳ сенга муборак қилсин, энди бир қўйни сўйиб, никоҳ тўйини ўтказил” [Б. 21],” Агар тўйга чақирилсангиз , албатта боринг” [Б. 22],” Оллоҳга ва қиёмат кунинга иймони бор ҳар бир аёл ўлган кишига уч кундан ортиқ мотам тутиши дуруст эмас, лекин эри ўлган хотин тўрт ойу ўн кун мотам тутди”[Б.21].

Шунингдек, аллома ақиқа ҳақида ҳам ёзган. Ақиқада Расулуллоҳ (с.а.в)” ўғил бола учун иккита тенг ёшли қўй ва қиз бола учун битта қўй сўйишни буюрганлар”, Расулуллоҳ (с.а.в) шундай деганлар “ўғил болага ақиқа қилинлар, унинг номидан “ қўй сўйиб қон чиқаринлар ва сочини олинлар” (Б.33), Расулуллоҳ (с.а.в)

бундай деганлар” ўғил бола ўз ақиқасига боғлиқ, унинг номидан еттинчи куни қўй сўйилади, унга исм қўйилади ва сочи олинади”[Б.34], (Абу Исо ат-Термизий, Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. Араб тилидан Абдуғани Абдуллоҳ тарж.- Т.:Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети,1993).

Бундай тўйлар ислом шариатида йўқ, чунки бу исрофгарчиликдир. Исроф эса шариатда ҳаромдир. Яна ҳайрон қоларлиги шуки, бундай тўйларнинг ишқибозлари ва исрофгарчилик сабабчилари ўзларининг беҳуда ва зарарли ишларини биладилар. Ҳатто улардан баъзилари бу тўйларнинг бир-бирларидан қолмаслик учун қилар эканлар, қайси тантана шу ният билан қилинса, Ҳазрат Пайғамбар ўз умматларига бу тўйга боришни ман этганлар.

Тўйлар ҳақида муқаддас китобларда исботлар келтиришган: “Имом Бухорий ва Имом Муслим саҳоба Анас билан Моликдан бир ривоят келтирадилар: “ Абдураҳмон ибн Авлор уйланмоқчи бўлганини Пайғамбарга хабар берганида шундай деб буюради: “ Муборак бўлсин. Битта қўй сарф бўлса ҳам тўй қил. Демак ҳар бир ишнинг муайян ҳади ва чегараси бўлади. Тўй фойдали бўлса ҳам чегарадан ўтса, зарардан бошқа нарса бўлмайди”( Шу жойда. Б. 238.).

Ибн Масъуд (р.а) ривоят қиладилар:”Тўйда биринчи куннинг таоми ҳақ, иккинчи куннинг таоми суннатдир, лекин учунчи куннинг таоми риёдир. Ким риёкорлик қилса худо унинг иккиюзламачилигини халойиқ ичида фош қилишади”( Шу жойда. Б.239).

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар:” Набий алайҳиссалом дедилар: “ икки одам бир- бирларидан ўтиш учун тўй ва зиёфат қилсалар, биронтасиникига борманглар, уларнинг таомларидан еманглар”(Шу жойда . Б.239).

Қуръони карим ва ҳадисларда никоҳ орқали оила қуриб, бахтли яшаш одоблари ҳам ёритилган.

Биринчи одоб - Эзгу ният қилиш.

Иккинчи одоб –ўйланишга қадар ўйлаб тўғри, оила қурмаслик.

Учунчи одоб- оила қуришни кечиктирмаслик.

Тўртинчи одоб - муносиб умр йўлдош танлаш.

Бешинчи одоб- аёлнинг волийси солиҳ кишига унга ўйланишни таклиф қилиш

Олтинчи одоб-туғадиган аёлни истиғфор қилиш.

Еттинчи одоб- уйланганда бокира қизни ихтиёр қилиш.

Саккизинчи одоб- бировнинг совчилиги устига совчи қўймаслик.

Тўққизинчи одоб- турмуш қуришдан олдин бир-бирини кўриш.

Ўнинчи одоб- никоҳда валийнинг аҳамияти.

Ўн биринчи одоб- аёл қизларни ўз хоҳшига кўра узатиш.

Ўн иккинчи одоб- кундошининг талоқ қилинишини сўрамаслик.

Ўн учинчи одоб- маҳр ва тўй ҳаражатларини енгиллаштириш.

Ўн тўртинчи одоб- тўй қилишда муайян кунлар борасида шумланмаслик.

Ўн бешинчи одоб- никоҳни элон қилиш.

Ўн олтинчи одоб – тўйда ҳурсандчилик қилиш.

Ўн еттинчи одоб- келин- куёвни дуо қилиш.

Ўн саккизинчи одоб- келин куёвга ҳадия бериш.

Ўн тўққизинчи одоб- келин ва куёвга бахт сўраб дуо қилиш.

Шубҳа йўқки агар мусулмон киши совчи қўйишдан бошлаб, оила қуриш, фарзанд тарбияси барча ишларда ислом одобларига эътиборли бўлса, аллоҳнинг иродаси билан барокатли ҳаёт кечиради, унинг оила аъзолари ҳам ҳайр баракада бўлади (Ислом одоблари энсклопедияси 1-к –Т: “Hilol –nashr 2019. Б.560-577)

Ислом шариатида тўй бориш одобларига талуқли малумотлар ҳам баён этилган:

Биринчи одоб- эзгу ният қилиш.

Иккинчи одоб –имкониётга қараб дастурхон ёзиш.

Учинчи одоб- тўйга қариндош- уруғ дўст ёрларни таклиф қилиш.

Тўртинчи одоб- тўйга камбағаллар қолиб бойларни чақирмаслик.

Бешинчи одоб- исрофгарчиликка йўл қўймаслик.

Олтинчи одоб –никоҳ тугагач никоҳга мункор ишларни аралаштирмаслик.

Еттинчи одоб- чақирилган жойга бориш.

Саккизинчи одоб- рўзадорнинг еўйига бориш.

Тўққизинчи одоб- мункор ишлар аралашган тўйга бормаслик.(Ислом одоблари энсклопедияси 2-к-Т.: “Hilol nashr”,2019. Б.264-271).

Соҳибқирон Амир Темур даврида (1336-1405) оилавий урф-одат ва маросимларни ўтказиш давлат сиёсати даражасида бўлган. Темурбек бобокалонимиз ёзадики: “Ўғилларим набираларим ва яқинларимни уйлантириш ташвишида келиб изламмоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабининг, етти пуштини суруштирдим. Хос

одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини жисмоний камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насабаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим”(Амир Темур-ўғитлари.Т.: “Наврўз”, 1992. Б.58).

Буюк ҳукмдор ҳазратлари яна таъкидлаганки: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб хотинларига яқинлашишини ман этидим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзан насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим”(Амир Темур ўғитлари. Т.: “Наврўз”, 1992. Б.58),

Шунингдек тўй анъналари соҳибқирон ворислари даврида ҳам давом эттирилган. Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома асарида келтирилишича Ҳумоюн Мирзо Ҳиндол саройида Ҳамидабонуга кўзи тушиб совчи қўйган. Аммо келин ҳонадонига совчиларнинг қириқ қатнашларига тўғри келган. Кўринадики ҳукмдор бўлса ҳам Ҳумоюн Мирзо аждодларимизнинг азалий удумига қатий риоя қилган, сабр-бардош билан Ҳамидабону ва унинг ҳонадонига ҳурмат ва иззат-икром сақлаган.